БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИ АХБОРОТЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

Тўрақулов У.Х. *– пед. фан. фалс. докт. (PhD) доцент, ЎзМУ ЖФ.*

Аннотация: Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълим жараёнини ахборотлаштиришга қўйилган замонавий талабларни илмий-методик жиҳатдан асослаш масаласи қаралади.

Ушбу мақоладан бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари билан шуғулланувчилар фойдаланиш мумкин.

Калит сўзлар: Касбий фаолият; бўлажак ўқитувчилар; ахборотлаштириш; талаблар; таълим жараёни; илмий-методик; масала; асослаш; маълумотларни йиғиш; тадқиқот объекти; кўрсаткичлар; таъминот; ахборотлар тизими; маълумотлар базаси; шакллантириш; ахборотли таъминот; услубий; эргономик; такомиллаштириш.

Аннотация: В данной статье рассмотривается вопрос научно-методического обоснования требований к информатизации образовательного процесса при подготовке будущих учителей к профессиональной деятельности.

Данная статья может быть использована теми, кто занимается проблемами совершенствования подготовки будущих специалистов к профессиональной деятельности.

Ключевые слова: Профессиональная деятельность; будущие учителя; информатизация; требования; образовательный процесс; научно-методический; проблема; обоснование; сбор данных; объект исследования; показатели; программное обеспечение; информационная система; база данных; формирование; информационное обеспечение; методическое; эргономическое; совершенствование.

Annotation: The article discusses the issue of scientific and methodological substantiation of the requirements for the informatization of the educational process in the preparation of future teachers for professional activities.

This article can be used by those who are dealing with the problems of improving the qualifications of future specialists.

Key words: Professional activity; promising teachers; informatization; requirements; studying proccess; scientific and methodological; masala; justification; collection of information; object of study; indicators; supply; Information system; database; formation; Information support; methodical; ergonomic; improvement

Маълумки “XXI аср-ахборотлаштирилган жамият сари асри” деб номланмоқда. Шу маънода қайд этиш мумкинки, ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида маълумотлар, маълумотлар базалари, ахборотлар, ахборотлар банки, ахборот технологиялари, ахборот тизимлари, маълумотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари, таълимни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари каби тушунчалар тўлиқ истеъмолда фойдаланилмоқда.

Мазкур мақолада ҳам айнан бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълим мазмунини ахборотлаштириш жараёнини илмий-методик жиҳатдан асослаш масаласи қаралади.

Ушбу қўйилган масалани ҳал қилиш учун тадқиқот объектига оид маълумотларни йиғиб, уларни ахборот кўринишига келтириш ва бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълим жараёнини ахборотлаштиришга тайёрлаб қўйиш талабини келтириб чиқармоқда [1-3]. Бу талаб бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълим жараёнини ахборотлаштиришни қатъий алгоритмик кетма-кетлик асосида олиб боришни талаб этади.

Буни биз тадқиқотимиз давомида қуйидаги кетма-кетликда амалга оширдик:

1. Тадқиқот объектига оид маълумотларни йиғиш. Бунда тадқиқот обеъктига оид маълумотларни йиғиш ва уни тадқиқот мақсад-вазифалари ҳамда ишчи фаразини эътиборга олган ҳолда мантиқий кетма-кетликларга ажратиш масаласи қараалади. Бунинг учун дастлаб тадқиқот объектининг, яъни бўлажак технологик таълим ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари муаммонинг қуйилиши нуқтаи назаридан таҳлилий ўрганилиб чиқилади ва кейин қуйидаги кетма-кетликдаги босқичларда тадқиқот ишлари олиб борилади:

- тадқиқот манбаи ва унда қечадиган жараёнлар тўғрисида йиғиладиган маълумотлар турларини (сонли ва сифатий маълумотлар) аниқлаш;
- тадқиқот манбаи БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлаш ва унда кечадиган жараёнлар тўғрисида маълумотларни қайта ишлаш мезонлари ишлаб чиқилади.
- БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашдаги илмий-методик таъминотни такомиллаштириш муоммосини “Тизимий ёндашув” тадқиқот услуби нуқтаи назаридан таҳлилий ўрганиб, унинг қисм тизими ва тизим элементларини аниқлаб, асослаб чиқилади;
- БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга оид кўрсаткичлар аниқланади ва улар орасидаги алоқалар баҳоланади;
- қолган асосий кўрсаткичлар орасидаги функционал муносабатлар ўргатилади;

- БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини моделлаштиришнинг алгоритмик тизими илмий-методик жиҳатидан асосланади;
- БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштиришга оид маълумотлар базалари шакллантирилади;
- шакллантирилган маълумотлар базалари негизида БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашга оид ахборотлар тизими ва уларга мос ахборотлар банки шакиллатирилади;

Ушбу босқичнинг аҳамиятли томони шундаки, тадқиқот объектини чуқур таҳлилий ўрганиш тадқиқот олиб бориш стратегиясини белгилаб олишда ва ишчи фаразни асослаб олишда дастлабки функционал асос бўла олади.

2. Таъминотлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш. Бунда БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таъминотлар тизимини шакллантиришга оид маълумотлар базасини шакллантириш масаласи қаралади ва қуйидагича таъминотларга эътибор берилади:

- қонуний –ҳуқуқий ҳужжатларга оид маълумотлар тайёрланади;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга оид маълумотлар тўплами тайёрланади;
- ахборотли таъминотни шакллантиришга оид маълумотлар тўплами тайёрланади;
- техник таъминотни шакллатириш учун алоҳида мажмуа тайёрланади;
- дастурий таъминот бўйича маълумотлар тайёрланади;
- ташкилий таъминот бўйича маълумотлар тайёрланади;
- услубий таъминот учун материаллар тўплами тайёрланади;
- эргономик таъминот учун маълумотлар тўплами тайёрланади ва шу кабилар;

Бу қайд этилган таъминотлар БТТЎсини касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотларни такомиллаштиришга муҳим дидактик асос бўлади.

3. Илмий-методик таъминотлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш. Бунда БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотлар тузилишини яратишга оид маълумотлар базасини шакллантириш масаласи қаралади ва қуйидаги таъминотларга кучли эътибор қаратилади:

- ўқув –дидактик таъминот;
- ўқув –услубий таъминот;
- ўқув –ахборотли таъминот;
- ўқув –дастурий таъминот;
- дастурий-методик таъминот ва шу кабилар.

Бу уларда ўзлаштириши лозим бўлган фаннинг маъзмун-моҳияти ва унга тегишли бўлган барча маълумотларни ўзида акс эттиррилган бўлади. Булар қаторига қуйидагилар киради:

- мавзулар рўйхати ва режаси;
- маъруза машғулотларига тегишли назарий маълумотлар ва уларнинг мавзусини ўрганиш режаси бўйича блоклаштирилган кўриниши;
- амалий –лаборатория машғулотларига тегишли машғулотлар ва бунда таълим олувчидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришларни ҳисобга олган ҳолдаги саволлар кетма-кетликги; амалий топшириқлар ва машқлар тизими;
- лаборатория машғулотлари ва уларни бажаришнинг технологик хариталари ҳамда топшириқлари;
- масала ва машқлар, ижодий топшириқлар ҳамда лаборатория ва курс ишлардаги (лойиҳалари)ни бажариш бўйича йўриқнома, кўрсатмалар ва шу кабилар.

4. Тайёрлаш босқичларига оид ахборотлар банкини шакллантириш. Бунда БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашдаги илмий-методик таъминотни такомиллаштириш босқичларига оид ахборотлар банкини ташкил этиш масаласи қаралади ва дастлаб БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашдаги илмий-методик таъминотни такомиллаштириш босқичларини қуйидаги кетма-кетликлардагидек қилиб илмий-методик жиҳатдан асослаб олинади:

- тайёргарлик босқичи;
- шакллантириш босқичи;
- асословчи босқич;
- жорий этиш босқичи.

Бу қайд этилган босқичларнинг ҳар бири учун маълумотлар базаси тузилиб олинади ва тузилган маълумотлар базаларидан ахборотлар банки ташкил этилади.

Биз томонимиздан шакллантириладиган ахборотлар банкининг асосий мақсади БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашга оид маълумотларни қайта ишлаб, ундан БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашдага илмий-методик таъминотни такомиллаштиришда фойдаланишдан иборат бўлиб, унинг асосий вазифаси эса БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини олиб боришда ахборотли таъминот тизимидан мақсадли фойдаланишни амалга ошириш ва уларнинг самарадорлигини назорат қилишдан иборатдир.

Демак, рақамли технологиялар негизида БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлаш илмий-методик таъминотни такомиллаштиришнинг барча босқичларида ахборотлар банкига мурожаат қилинади ва улар асосида инновацион таълим технологиялари яратилади. Булар эса БТТЎ ни касбий

фаолиятга тайёрлашнинг оптимал вариантларидан бирини қўлга киритишни кафолатлашларига кенг имкониятлар яратади.

5. Натижаларни баҳолашда жараёнларни ахборотлаштириш.

Бунда эришилаётган натижаларни баҳолаш жараёнини ахборотлаштириш масаласи қаралади. Бунинг учун таълим олувчидаги эгалланган билим, кўникмалар аниқланади. Бу қуйидагидек кетма-кетликда олиб борилади:

- таълим олувчининг олиб бориладиган машғулотлар давомида ўз фикрини айта олиши. Бунга бутун ўқув йили давомида эътибор берилиб, баҳолаб борилади;
- таълим олувчининг манба бўйича мустақил ва таҳлилий фикри борлиги аниқланади. Бу суҳбат орқали ёки тест-саволларига жавоб бериш орқали баҳоланади:
- таълим олувчининг дарс машғулотларидаги фаоллиги, яъни унинг маъноли ва мақсадли савол бера олиши ҳамда ўз фикрини эркин ифода эта олиши. Бу машғулотлар давомида ва сўнгги назоратлар даврларида аниқланиб, баҳоланиб борилади;
- таълим олувчиларнинг мустақил фаолият юритишда ўз ижодкорлигига ва тажрибасига суяна олишлик кўникмасига эгалиги аниқланади. Бу машғулотлардаги амалий топшириқлар ва машқларни бажаришни назорат қилиш орқали амалга оширилади;
- таълим олувчининг ахборот маданияти бўйича бошланғич тушунчага эга эканлиги аниқланади. Бу таълим олувчининг ахборотлаштириш воситалари билан бемалол “тиллаша” олишлигини текшириш орқали амалга оширилади;
- таълим олувчининг маълумотларни қайта ишлаш кўникмаларига эгалиги аниқланади. Бу таълим олувчининг тадқиқот объекти ҳақидаги маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва уларни керакли манбаларга узатиш масалаларини ҳал қилишни текшириш орқали амалга оширилади;
- таълим олувчининг машғулот давомида бажараётган ишлари ҳақида ахборот бера олиш қобилияти аниқланади. Бу таълим олувчининг олиб борилган машғулотлар бўйича берадиган машғулотларнинг тизимли ва мантиқий кетма-кетликка эгалигини аниқлаш ва баҳолаш орқали амалга оширилади;
- таълим олувчининг ижодий топшириқларга берилган жавоблари аниқланади. Бу таълим олувчидаги креатив фикрлаш қобилиятларини аниқлаш ва баҳолаш орқали амалга оширилади ва шу кабилар.

Бу қайд этилган кетма-кетлик бўйича таълим олувчидаги сўнгги назорат ўтказилади. Бу эгаллаган натижалар ДТС талаблари билан солиштирилиб (таққосланиб) педагогик самарадорлик аниқланади.

Демак, хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бу таркибий қисмнинг аҳамиятли томони шундаки, бу орқали БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштиришдаги педагогик самарадорликни аниқлаш ва баҳолаш мезони ишлаб чиқишга дидактик ва ахборотли асос тайёрланади ва улар асосида БТТЎни касбий фаолиятга тайёрлашни рақамли таълим технологиялари негизида тайёрлашга кенг имкониятлар яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тўрақулов У.Х. Бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини такомиллаштириш. пед. фан. фалс. докт. (PhD).....дисс.-Т., 2020, 187 б.

2. Тўрақулов У.Х. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқишга тизимий ёндашув// Инновацион ёндашувлар – илм – фан тараққиёти калити сифатида: ечимлар ва истқболлар: Республика миқёсидаги илмий – техник анжумани материаллари тўплами.-Жиззах, 2020.-Б. 318-322.

3. Тўрақулов У.Х., Ўрозбоев С.Э. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида шарқ мутофаккурлари асарларидан фойдаланишни технологиялаштириш // Абай Қунонбоев ва шарқ мутофаккирларининг педагогик қарашлари: Халқаро илмий– амалий конференциси материаллари.-Жиззах, 2020.- Б. 108-110.